**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

## 2017 йил январь-июнь

**Урганч – 2017 йил**

# СЎЗ БОШИ

Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси – Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Хоразм вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2017 йил январь-июнь ойлари якунлари бўйича Хоразм вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 тахрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 11 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

## Асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар

| | Млрд.сўм | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| **Ялпи ҳудудий маҳсулот** | **3370,3** | **111,3** |
| Саноат маҳсулоти | 1747,0 | 133,6 |
| Истеъмол товарлари | 1037,7 | 137,3 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1416,4 | 105,1 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 810,6 | 111,6 |
| Қурилиш ишлари | 671,1 | 107,1 |
| Юк айланмаси млн. тн-км | 533,8 | 107,2 |
| Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км | 2273,4 | 104,4 |
| Чакана товар айланмаси | 1 879,5 | 112,8 |
| Хизматлар, жами | 1404,9 | 110,3 |
| Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл. | 141,0 | 159,0 |
| Экспорт | 59,1 | 153,7 |
| Импорт | 81,9 | 163,1 |
| Салдо(+;-) | -22,8 | х |

# Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-июнда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 3370,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 11,3 фоизга тенг бўлди.

2017 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 109,0 фоизни ташкил қилди.

Январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | млрд.сўм | | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2016 йил | 2017 йил | |
| **I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами** | **2 776,5** | **3 370,3** | **111,3** |
| шу жумладан: | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 2 624,3 | 3 179,9 | 111,0 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 152,2 | 190,4 | 117,0 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **2 624,3** | **3 179,9** | **111,0** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 409,0 | 473,8 | 105,1 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 708,3 | 932,5 | 121,5 |
| саноат | 433,1 | 632,1 | 130,7 |
| қурилиш | 275,3 | 300,5 | 107,1 |
| Хизматлар | 1 507,0 | 1 773,6 | 107,6 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 249,2 | 304,5 | 110,3 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 365,6 | 404,2 | 107,1 |
| бошқа хизматлари | 892,2 | 1 064,8 | 107,1 |

Январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.




2017 й.




Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (130,7), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (110,3%) ва қурилиш (107,1%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 61,7 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди.

2017 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 55,8 фоиз (2016 йил январь-июнда 57,4 фоиз)ни ташкил қилди.

# Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи (деҳқон ва фермер хўжаликларсиз)

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 14448 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 13958 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 96,6 фоизини ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 23,8 фоизи), саноат (15,4 фоизи), қурилиш (10,0 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|---|---|---|---|---|
| | бирлик | якунга нисбатан фоизда | бирлик | якунга нисбатан фоизда |
| **Жами** | **14448** | **100,0** | **13958** | **100,0** |
| шу жумладан: | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1100 | 7,6 | 1059 | 7,6 |
| саноат | 2232 | 15,4 | 2189 | 15,7 |
| қурилиш | 1438 | 10,0 | 1402 | 10,0 |
| савдо | 3442 | 23,8 | 3327 | 23,8 |
| ташиш ва сақлаш | 539 | 3,7 | 526 | 3,8 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 778 | 5,4 | 753 | 5,4 |
| ахборот ва алоқа | 241 | 1,7 | 229 | 1,6 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 443 | 3,1 | 441 | 3,2 |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 4235 | 29,3 | 4032 | 28,9 |

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 84,6 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 35,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,4 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 48,3 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йил январь-июнда жами 1035 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 993 та). Уларнинг асосий қисми Урганч шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 28,9 фоизи), Хива (15,7 фоиз), Урганч (11,0 фоиз), ва Хонқа (8,9 фоиз)и туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйҳатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 27,3 фоизи саноат, 22,4 фоизи савдо ва 12,5 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 475 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 115 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 24,2 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 11397тани ташкил қилди.

2017 йил январь-июнида ялпи худудий маҳсулотнинг 61,7 фоизи (2016 йил январь-июнда 61,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-июнда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 599,8 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 82,2 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 474,1 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 125,7 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 765,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 43,8 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 106,2 фоизни ташкил қилди;

- 1395,4 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 106,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,5 фоизи) ташкил қилди.

- 479,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 59,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 112,8 фоизга ўсди;

- 605,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 90,3 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 105,5 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 106,7 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 94,4 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 105,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 93,2 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 86,4 фоизи ёки 1624,6 млрд. сўми (ўсиш 110,0 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 67,4 фоизи ёки 947,4 млрд. сўми (ўсиш 107,9 фоиз) шакллантирилди;

- 27,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 45,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 77,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 94,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

| | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида |
|---|---|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1395,4 | 98,5 |
| Саноат | 765,5 | 43,8 |
| Қурилиш | 605,7 | 90,3 |
| Чакана савдо | 1624,6 | 86,4 |
| Юк ташиш, млн тн. | 20,8 | 91,1 |
| Йўловчи ташиш, млн.киши | 204,2 | 93,8 |
| Экспорт, млн. АҚШ долл. | 27,1 | 45,9 |
| Импорт, млн. АҚШ долл. | 77,7 | 94,8 |

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




## Ташқи иқтисодий алоқалар

2017 йилнинг январь-июнида ташқи савдо айланмаси 141,0 млн. АҚШ долларини, жумладан 59,1 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 81,9 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси -22,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-июнида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

(млн. АҚШ доллари)

| | январь-июнь | | 2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2016 й. | 2017 й. | |
| **Ташқи савдо айланмаси** | **88,7** | **141,0** | **159,0** |

(млн. АҚШ доллари)

| | январь-июнь | | 2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2016 й. | 2017 й. | |
| шу жумладан: | | | |
| МДҲ давлатлари | 26,5 | 34,9 | 131,6 |
| бошқа давлатлар | 62,2 | 106,1 | 170,7 |
| **Экспорт** | **38,5** | **59,1** | **153,7** |
| шу жумладан: | | | |
| МДҲ давлатлари | 11,8 | 20,4 | 173,2 |
| бошқа давлатлар | 26,7 | 38,7 | 145,0 |
| **Импорт** | **50,2** | **81,9** | **163,1** |
| шу жумладан: | | | |
| МДҲ давлатлари | 14,7 | 14,5 | 98,3 |
| бошқа давлатлар | 35,5 | 67,4 | 190,0 |

2017 йил январь-июнида вилоят ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:



2017 йилнинг январь-июнида вилоят экспорт-импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида | | Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2016 йил январь-июнь | 2017 йил январь-июнь | 2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида |
| **Экспорт таркиби** | **100** | **100** | **153,7** |
| пахта толаси | 54,6 | 49,2 | 138,6 |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 5,29 | 13,9 | 4,1 марта |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 0,8 | 0,5 | 94,5 |
| энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари | - | - | - |
| қора ва рангли металлар | - | - | - |
| машина ва ускуналар | 0,03 | 0,08 | 4,3 марта |
| хизматлар | 8,5 | 5,7 | 102,0 |
| бошқалар | 30,8 | 30,6 | 152,8 |
| **Импорт таркиби** | **100** | **100** | **163,1** |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 0,9 | 1,6 | 3,1 марта |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 6,0 | 8,2 | 2,2 марта |
| энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари | 0,06 | 0,03 | 69,9 |
| қора ва рангли металлар | 2,3 | 1,5 | 104,3 |
| машина ва ускуналар | 68,2 | 74,5 | 178,1 |
| хизматлар | 0,0 | 0,0 | - |
| бошқалар | 22,6 | 14,2 | 102,7 |

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йилнинг январь-июнида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

| | Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида | 2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Хитой | 22,3 | 194,4 |
| Россия Федерацияси | 16,7 | 109,2 |
| Латвия | 13,3 | 78,4 марта |
| Эрон | 11,6 | 110,9 |
| Грузия | 7,7 | 2,3 марта |
| Швейцария | 6,4 | 159,6 |
| Қозоғистон | 5,2 | 4,3 марта |
| Италия | 4,6 | 103,9 |
| Туркия | 2,2 | 63,8 |

2017 йил январь-июнда МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:



# Саноат

2017 йил январь-июнда саноат маҳсулоти ҳажми 1747,0 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 133,6 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 1037,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-июнига нисбатан 137,3 фоизни ташкил этди. Жумладан, 488,9 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво, 548,8 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 117,7 фоиз ва 161,4 фоиз) ишлаб чиқарилди. Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-июнь ойларида 5,9 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| **Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми** | **1747,0** | **133,6** |
| **Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш** | **0,3** | **105,2** |
| улардан: | | |
| Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият | 0,3 | 105,2 |
| **Қайта ишлаш саноати** | **1624,8** | **135,7** |
| ундан: | | |
| Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 498,0 | 114,6 |
| Ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 72,7 | 135,2 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 399,4 | 126,1 |
| Кийим ишлаб чиқариш | 8,7 | 114,5 |
| Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 2,0 | 100,3 |
| Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, ишлаб чикариш | 6,3 | 136,5 |
| Қоғоз ва қоғоз махсулотларини ишлаб чиқариш | 2,0 | 138,7 |

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 2,4 | 120,3 |
| Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6,8 | 112,5 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 7,2 | 109,2 |
| Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 22,6 | 111,1 |
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 72,9 | 101,5 |
| Металлургия саноати | 0,1 | 109,5 |
| Машина ва ускуналардна ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 34,3 | 114,5 |
| Электр ускуналар ишлаб чиқариш | 11,3 | 109,7 |
| Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш | 25,5 | 104,0 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш | 371,9 | 309,4 |
| Мебел ишлаб чиқариш | 7,4 | 109,8 |
| Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш | 64,9 | 103,5 |
| Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш ҳамда тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 8,1 | 109,2 |
| **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** | **109,6** | **111,3** |
| **Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш** | **12,3** | **103,3** |
| **Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш** | **1037,7** | **137,3** |
| шу жумладан: | | |
| озиқ-овқат товарлари | 473,7 | 117,7 |
| ноозиқ-овқат товарлари | 548,8 | 161,4 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш**

(йирик корхоналар бўйича)

| | Ўлчов бирлиги | 2017 йил январь-июнь | 2016 й январь-июнга нисбатан % |
|---|---|---|---|
| **Ишлаб чиқарадиган саноат** | | | |
| Арoқ | минг л 100% спирт | 820 | 100,0 |
| Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари | минг л 100% спирт | 8,7 | 110,1 |
| Узум виноси | минг л. | 610 | 100,0 |
| Йирик шохли қорамол, чўчқа, қўй, эчки, отсимонлар оиласига кирувчи хайвонлар гўшти, янги сўйилган ёки совитилган | тн | 1,1 | 183,3 |

| | Ўлчов бирлиги | 2017 йил январь-июнь | 2016 й январь-июнга нисбатан % |
|---|---|---|---|
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни | минг тн | 40,2 | 115,8 |
| Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар | тн | 221,2 | 101,4 |
| Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка) | тн | 1479,3 | 107,8 |
| Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари) | тн | 15006,9 | 188,2 |
| Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип | тн | | |
| Иш кийими | минг дона | 8,4 | 53,7 |
| Пахта толаси | минг тн | 50,3 | 121,6 |
| Пахта чигити | минг тн | 77,2 | 122,3 |
| Пахта тивити (линт) | тн | 4342 | 155,9 |
| **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** | | | |
| Гидроэлектростанциялар ишлаб чиқарган электр энергияси | млн.кВт/с | 232,9 | 105,2 |
| Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси) | минг Гкал. | 48,2 | 107,3 |

## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 1416,4 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 105,1 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 17,4 млрд. сўмни (105,2 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 2,2 млрд. сўмни (100,9 фоиз), Балиқчилик хўжаликларида 13,0 млрд. сўмни (97,6 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

<u>умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</u>




**Ҳосил йиғими.** 2017 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 216,7 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 фоизга купайган, шундан 215,9 минг тонна буғдой (2,8 фоиз).

Барча тоифадаги хўжаликларда 62,4 минг тн. картошка қазиб олинди (2016 йилга нисбатан 1,7 фоизга кам), 78,7 минг тн. сабзавот (6,9 фоизга кўп) 4,0 минг тн. полиз экинлари (6,9 фоизга кўп) 33,3 минг тн. мева ва резаворлар (6,2 фоизга кўп) ва 0,6 минг тн. узум (6,8 фоизга кўп) етиштирилди**.**

**Чорвачилик**. 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 минг бошга (0,4 фоизга), шу жумладан сигирлар 1,6 минг бошга (0,5 фоизга), қўй ва эчкилар 4,7 минг бошга (1,2 фоизга), паррандалар 258,3 минг бошга (5,1 фоизга) кўпайди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда 80,6 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилга нисбатан 106,6 фоиз), 517,8 минг тонна сут (106,1 фоиз), 272,0 млн. дона тухум (106,4 фоиз), 717 тонна жун (96,5 фоиз), 5,4 минг дона қоракўл тери (108,3 фоиз) етиштирилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда – 95,4 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 70,3 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|---|---|---|
| **Йирик шохли корамол** | **848,2** | **100,4** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 61,4 | 104,2 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 780,4 | 100,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 6,4 | 106,7 |
| **улардан сигирлар** | **331,9** | **100,5** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 23,4 | 106,8 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 306,5 | 100,0 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 2,0 | 100,0 |
| **Қуй ва эчкилар** | **400,4** | **101,2** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 32,8 | 114,7 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 365,9 | 100,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,7 | 113,3 |
| **Отлар** | **5,3** | **100,2** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 0,5 | 102,2 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 4,8 | 100,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | | |
| **Паррандалар** | **5311,0** | **105,1** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 1126,0 | 101,6 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 3472,0 | 113,5 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 713,0 | 80,6 |

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 92,0 фоизни, фермер хўжаликларида эса 7,2 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 92,3 ва 7,1 фоизни, қўй ва эчкилар 91,4 ва 8,2 фоизни, отлар 89,5 ва 9,7 фоизни, паррандалар 65,4 ва 21,2 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-июнида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 80,6 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 6,6 фоизга кўп ), 517,8 минг тонна сут (6,1 фоизга кўп), 272,0 млн. дона тухум (6,1 фоизга кўп), ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

| | миқдори | ўсиш суръати, % |
|---|---|---|
| **Гўшт (тирик вазнда), минг тн.** | **80,6** | **106,6** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 2,6 | 106,3 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 77,6 | 106,6 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,4 | 105,9 |
| **Сут, минг тн.** | **517,8** | **106,1** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 22,3 | 106,1 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 494,2 | 106,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,3 | 109,1 |
| **Тухум, млн. дона** | **272,0** | **106,4** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 16,5 | 104,2 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 191,2 | 107,7 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 64,3 | 103,4 |

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида




**Фермер хўжаликлари**. 2017 йилнинг январь-июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 190,0 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 99,2 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 13,7 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжаликларида 61,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 23,4 минг бош сигир, 32,8 минг бош қўй ва эчкилар, 1126,0 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2016 йилнинг 1 июнига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 104,2 фоизни, шу жумладан сигирлар 106,8 фоизни, қўй ва эчкилар 114,7 фоизни, паррандалар 101,6 фоизни ташкил қилди.

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-июнда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 810,6 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 112,1 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

| | млрд.сўм | ўсиш суръати, % | якунга нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|
| **Асосий капиталга киритилган инвестициялар** | **810,6** | **112,1** | **100** |
| шу жумладан | | | |
| **Марказлашган инвестициялар:** | **141,4** | **140,6** | **17,4** |
| бюджет маблағлари | 61,4 | 137,3 | 7,6 |
| давлат мақсадли фонд маблағлари | 40,9 | 96,6 | 5,0 |
| тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари | 16,4 | - | 2,0 |
| ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари | 22,7 | 286,1 | 2,8 |
| **Марказлашмаган инвестициялар** | **669,2** | **107,6** | **82,6** |
| корхоналарнинг ўз маблағлари | 144,1 | 114,9 | 17,8 |
| аҳоли маблағлари | 356,6 | 107,0 | 44,0 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 47,8 | 0,5 | 5,9 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 120,7 | 101,2 | 14,9 |

2017 йилнинг январь-июнида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

| | Жами | Давлат | Нодавлат |
|---|---|---|---|
| **Жами, млрд. сўм** | **810,6** | **145,1** | **665,5** |
| шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида | | | |
| қурилиш-монтаж ишлари | 633,9 | 119,0 | 514,9 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар | 157,0 | 22,0 | 135,0 |
| бошқа ҳаражатлар | 19,7 | 4,1 | 15,6 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-июнга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 0,9 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 1,3 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 0,4 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йилнинг январь-июнида умумий майдони 550,5 минг кв.м. бўлган 2902 та (2016 йил январь-июнга нисбатан 106,5 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 467,2 минг кв.м. (123,2 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 342,5 млрд. сўми ёки 42,3 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 14,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,9 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 61,5 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 6,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,3 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 44,4 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 47,2 км узунликдаги ичимлик суви, 19,7 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-июнига нисбатан мос равишда 79,3 ва 162,8 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 916,9 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 628,1 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йилнинг январь-июнида 671,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 107,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 82,4 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 12,4 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 5,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 84,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 640,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,4 фоизни (2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 105,4 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




## Транспорт

**Юк ташиш.** 2017 йил январь-июнь ойларида барча транспорт турлари томонидан 22,8 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,8 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 533,8 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 7,2 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-июнь | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ташилган юк, млн. тн | 22,8 | 109,8 |

| | 2017 йил январь-июнь | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| шу жумладан: | | |
| автомобил транспортида | 22,8 | 109,8 |
| Юк айланмаси, млн. тн-км | 533,8 | 107,2 |
| шу жумладан: | | |
| автомобил транспортида | 533,8 | 107,2 |

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 104,6 фоизга кўпайди ва 420,9 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 78,8 фоизни ташкил этди (2016 йилнинг январь-июнида 80,8 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2017 йил январь-июнида барча транспорт турлари томонидан 217,8 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 4,4 фоизга кўпайиб, 2262,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-июнь | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши | 218,2 | 104,4 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 217,8 | 104,4 |
| Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км | 2273,4 | 104,4 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 2262,4 | 104,4 |

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-июнга нисбатан 104,8 фоизга кўпайди ва 1920,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 84,9 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-июнда 84,5 фоиз).

# Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йилнинг январь-июнида **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 1404,9 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 440,2 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 31,3 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш 110,3 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-июнида қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | 2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида | якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Жами хизматлар** | **1404,9** | **110,3** | **100,0** |
| Шу жумладан хизмат турлари бўйича: | | | |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизмати | 118,2 | 111,1 | 8,4 |
| молиявий хизматлар | 184,9 | 125,8 | 13,2 |
| транспорт хизмати | 307,1 | 104,9 | 21,8 |
| шу жумладан автотранспорт хизматлари | 290,8 | 104,8 | 20,7 |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари | 31,7 | 112,5 | 2,2 |
| савдо хизматлари | 428,7 | 108,0 | 30,5 |
| кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар | 58,0 | 109,0 | 4,1 |
| таълим соҳасидаги хизматлар | 44,5 | 121,5 | 3,2 |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 24,3 | 110,3 | 1,7 |

| | млрд. сўм | 2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида | якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| ижара ва прокат хизматлари | 36,8 | 108,4 | 2,6 |
| компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари | 61,6 | 107,2 | 4,4 |
| бошқа шахсий хизматлар | 56,5 | 107,9 | 4,0 |
| меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар | 13,2 | 108,8 | 0,9 |
| бошқа турдаги хизматлар | 38,9 | 109,8 | 2,7 |

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш молиявий (13,1 фоиз), транспорт (21,8 фоиз), ва савдо (30,5 фоиз) хизматларига тўғри келди.

2017 йил январь-июнида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича ифодаланади:



# Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1787,0 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 10272 кишига ёки 0,6 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йилнинг январь-июнида қуйидагича ифодаланади:

| | Киши | | | Ҳар 1000 кишига | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2016 й. | 2017 й.[1)] | ўсиш, камайиш (-) | 2016 й. | 2017 й.[1)] |
| Туғилганлар | 15209 | 14696 | -513 | 17,5 | 16,6 |
| Ўлганлар | 3755 | 4035 | 280 | 4,3 | 4,6 |
| шу жумладан бир ёшгача болалар | 253 | 302 | 49 | 12,9* | 15,8* |
| Табиий ўсиш | 11454 | 10661 | -793 | 13,2 | 12,0 |
| Никоҳлар | 7507 | 7976 | 469 | 8,6 | 9,0 |
| Ажралишлар | 504 | 700 | 196 | 0,6 | 0,8 |

**Туғилиш даражаси.** 2017 йилнинг январь-июнида туғилганлар сони 14696 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (15209 киши) нисбатан 513 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 16,6 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (17,5 промилле) нисбатан 0,9 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Гурлан туманида (19,5 дан 17,9 промиллега), Хазорасп туманида (19,6 дан 18,1 промиллега), Хонқа туманида (18,6 дан 17,3 промиллега), Янгибозор туманида (20,1 дан 18,5 промиллега) камайиш кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2017 йилнинг январь-июнида ўлганлар сони 4035 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (3755 киши) нисбатан 280 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-июнда 4,3 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Урганч шаҳрида (5,8 дан 6,6 промиллега), Хазорасп туманида (4,0дан 4,6 промиллега), Хонқа туманида (3,9 дан 4,2 промиллега), Янгибозор туманида (4,1 дан 5,0 промиллега) кўпайиш кузатилди.

[1)] дастлабки маълумот

*- 1000 туғилган болаларга нисбатан

Ўлганлар умумий сонидан 58,9 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 10,7 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,0 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 3,3 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 5,7 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнида бир ёшга тўлмаган 302 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 15,8 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-июнида 12,9 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 69,2 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 10,3 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 10,9 фоизи – туғма аномалиялардан ва 3,3 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь-июнида ФҲДЁ органларида 7976 та никоҳлар ва 700 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,0 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 8,6 та) ва 0,8 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида 0,6 га) тўғри келади.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июн ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3875 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4264 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 389 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 503 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Урганч шаҳрида (минус 661), Хазорасп туманида ( минус 131 ), Хонка туманида (минус 82), Гурлан туманида (минус 101) кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига




**Меҳнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 101,4 фоизга кўпайиб, 997,6 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 55,9 фоизини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-июнида бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 8417 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб Урганч шаҳарда 962 та, Боғот туманида 509 та, Гурлан туманида 889 та, Қўшкўпир туманида 625 та, Урганч туманида 679 та, Хазорасп туманида 682 та, Хонқа туманида 1066 та, Хива туманида 498 та, Шовот туманида 1197 та, Янгиариқ туманида 418 та, Янгибозор туманида 892 та фуқоро мурожаат этган.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 7143 та нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич Урганч шаҳрида (826 кишига), Қўшкўпир (535 кишига), Хазорасп (586 кишига), Хонқа (424 кишига) ва Шовот (857 кишига), Янгибозор (843 кишига) туманларида юқори даражада бўлди.

Жорий йил мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 1111 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)



# ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

## Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

| | Ўлчов бирлиги | 2017 йил январь-июнь | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| ЯҲМ | млрд.сўм | 3370,3 | 111,3 |
| Саноат маҳсулоти | млрд.сўм | 1747,0 | 133,6 |
| Истеъмол товарлари | млрд. сўм | 1037,7 | 137,3 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | млрд. сўм | 1416,4 | 105,1 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | млрд.сўм | 810,6 | 111,6 |
| Қурилиш ишлари | млрд. сўм | 671,1 | 107,1 |
| Юк айланмаси | млн. тн-км | 533,8 | 107,2 |
| Йўловчи айланмаси | млн. йўловчи-км | 2273,4 | 104,4 |
| Чакана товар айланмаси | млрд. сўм | 1 879,5 | 112,8 |
| Хизматлар, жами | млрд. сўм | 1404,9 | 110,3 |
| Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл. | млн АҚШ долл | 141,0 | 159,0 |
| Экспорт | млн АҚШ долл | 59,1 | 153,7 |
| Импорт | млн АҚШ долл | 81,9 | 163,1 |

## Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(бирлик)

| | 2017 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган | 2017 йил январь-июнда | |
|---|---|---|---|
| | | ташкил топди | тугатилди |
| **Вилоят бўйича:** | **14448** | **1035** | **475** |
| **шаҳарлар:** | | | |
| Урганч | 3523 | 299 | 119 |
| **туманлар:** | | | |
| Боғот | 849 | 31 | 29 |
| Гурлан | 895 | 61 | 16 |
| Қўшкўпир | 830 | 72 | 19 |
| Урганч | 1441 | 114 | 83 |
| Хазорасп | 1000 | 68 | 28 |
| Хонқа | 1048 | 92 | 14 |
| Хива | 2638 | 162 | 102 |
| Шовот | 708 | 36 | 21 |
| Янгиариқ | 961 | 73 | 25 |
| Янгибозор | 555 | 27 | 19 |

## Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича тақсимлаш

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(2017 йил 1 июль ҳолатига)

| | Жами, бирлик | Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида | | |
|---|---|---|---|---|
| | | давлат | нодавлат | шундан хусусий |
| **Вилоят бўйича:** | **14448** | **15,4** | **84,6** | **33,4** |
| **шаҳарлар:** | | | | |
| Урганч | 3523 | 9,7 | 90,3 | 33,4 |
| **туманлар:** | | | | |
| Боғот | 849 | 21,0 | 79,0 | 47,1 |
| Гурлан | 895 | 21,7 | 78,3 | 51,2 |
| Қўшкўпир | 830 | 24,6 | 75,4 | 30,5 |
| Урганч | 1441 | 13,5 | 86,5 | 42,5 |
| Хазорасп | 1000 | 23,3 | 76,7 | 21,4 |
| Хонқа | 1048 | 19,2 | 80,8 | 45,6 |
| Хива | 2638 | 8,0 | 92,0 | 31,9 |
| Шовот | 708 | 27,7 | 72,3 | 36,5 |
| Янгиариқ | 961 | 14,7 | 85,3 | 19,3 |
| Янгибозор | 555 | 23,4 | 76,6 | 60,0 |

## Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(бирлик)

| | 2017 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган | 2017 йил январь-июнда | |
|---|---|---|---|
| | | ташкил топди | тугатилди |
| **Вилоят бўйича:** | **11302** | **993** | **440** |
| **шаҳарлар:** | | | |
| Урганч | 2835 | 277 | 114 |
| **туманлар:** | | | |
| Боғот | 614 | 31 | 28 |
| Гурлан | 648 | 59 | 15 |
| Қўшкўпир | 573 | 68 | 17 |
| Урганч | 1174 | 111 | 80 |
| Хазорасп | 690 | 65 | 26 |
| Хонқа | 797 | 90 | 14 |
| Хива | 2349 | 162 | 97 |
| Шовот | 461 | 34 | 20 |
| Янгиариқ | 772 | 71 | 12 |
| Янгибозор | 389 | 25 | 17 |

## Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони

(2017 йил 1 июль ҳолатига, бирликда)

| | Жами рўйхатга олинганлари | жумладан, фаолият кўрсатаётганлари | Фаолият кўрсатаётганларни жамига нисбатан, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **47** | **47** | **100,0** |
| **шаҳарлар:** | | | |
| Урганч | 14 | 14 | 100,0 |
| **туманлар:** | | | |
| Боғот | 3 | 3 | 100,0 |
| Гурлан | 1 | 1 | 100,0 |
| Қўшкўпир | 3 | 3 | 100,0 |
| Урганч | 3 | 3 | 100,0 |
| Хазорасп | 1 | 1 | 100,0 |
| Хонқа | 1 | 1 | 100,0 |
| Хива | 7 | 7 | 100,0 |
| Шовот | 11 | 11 | 100,0 |
| Янгиариқ | 2 | 2 | 100,0 |
| Янгибозор | 1 | 1 | 100,0 |

## Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони

(бирлик)

| | Рўйхатга олинганлар | 2017 йил январь-июнда | |
|---|---|---|---|
| | | ташкил этилган[1)] | тугатилган |
| **Вилоят бўйича:** | **47** | **8** | **-** |
| **шаҳарлар:** | | | |
| Урганч | 14 | 1 | - |
| **туманлар:** | | | |
| Боғот | 3 | - | - |
| Гурлан | 1 | - | - |
| Қўшкўпир | 3 | - | - |
| Урганч | 3 | 1 | - |
| Хазорасп | 1 | 1 | - |
| Хонқа | 1 | - | - |
| Хива | 7 | 2 | - |
| Шовот | 11 | 2 | - |
| Янгиариқ | 2 | 1 | - |
| Янгибозор | 1 | - | - |

[1)] қайта ташкил этилганлар билан

## 2017 йил январь – июнда иқтисодиёт тармоқлари бўйича корхона ва ташкилотлар фаолиятининг молиявий натижалари

| | Фойда, зарар (+,-) | |
|---|---|---|
| | млн, сўм | 2017 йил январь-июнга нисбатан фоизда |
| **Жами** | 37683,5 | 127,2 |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | - | x |
| Қайта ишлаш саноати | 13863,9 | 135,5 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 6060,3 | 99,6 |
| Қурилиш | 1109,5 | 60,7 |
| Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш | 12269,5 | 145,9 |
| Ташиш ва сақлаш | 1960,2 | 189,9 |
| Ахборот ва алоқа | 0,2 | 8,7 |
| Молиявий ва суғурта фаолияти | - | x |
| Кўчмас мулк билан операциялар | 1733,3 | 126,4 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 232,5 | 70,4 |
| Бошқалар | 454,1 | 132,6 |

## 2017 йил январь-июнда корхона ва ташкилотлар фаолиятининг молиявий натижалари

| | Фойда, зарар (+,-), млн.сўм | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоизда |
|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **37683,5** | **127,2** |
| **шаҳарлар:** | | |
| Урганч | 26478,3 | 110,1 |
| **туманлар:** | | |
| Боғот | 545,5 | 2,5марта |
| Гурлан | 537,2 | 101,2 |
| Қўшкўпир | 589,1 | 175,9 |
| Урганч | 4553,3 | - |
| Хазорасп | 2017,4 | 84,6 |
| Хонқа | 1415,1 | 97,9 |
| Хива | 344,3 | 49,7 |
| Шовот | 208,0 | 114,2 |
| Янгиариқ | 480,2 | 109,7 |
| Янгибозор | 515,1 | 4,2 марта |

## Меҳнат ресурслари
## ва аҳолининг иш билан бандлиги [1)]

(2017 йил 1 июль ҳолатига, минг киши)

| | Меҳнат ресурслари сони | Ўртача банд аҳоли сони |
|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **997,6** | **729,3** |
| **шаҳарлар:** | | |
| Урганч | 106,2 | 79,3 |
| **туманлар:** | | |
| Боғот | 83,2 | 65,9 |
| Гурлан | 83,8 | 67,7 |
| Қўшкўпир | 87,2 | 66,9 |
| Урганч | 97,0 | 71,1 |
| Хазорасп | 122,8 | 66,9 |
| Хонқа | 94,4 | 73,0 |
| Хива | 119,7 | 76,8 |
| Шовот | 87,6 | 68,4 |
| Янгиарик | 62,4 | 52,1 |
| Янгибозор | 53,3 | 41,2 |

[1)] дастлабки маълумот

## Доимий аҳоли сони [1)]

(2017 йил 1 июль ҳолатига, минг киши)

| | Жами аҳоли | шу жумладан: | |
|---|---|---|---|
| | | шаҳар аҳолиси | қишлоқ аҳолиси |
| **Вилоят бўйича:** | **1787,0** | **574,8** | **1212,2** |
| **шаҳарлар:** | | | |
| Урганч | 139,4 | 139,4 | - |
| **туманлар:** | | | |
| Боғот | 156,4 | 27,3 | 129,1 |
| Гурлан | 142,2 | 60,7 | 81,5 |
| Қўшкўпир | 163,7 | 42,2 | 121,5 |
| Урганч | 188,1 | 25,2 | 162,9 |
| Хазорасп | 237,1 | 51,8 | 185,3 |
| Хонқа | 177,8 | 61,0 | 116,8 |
| Хива | 226,6 | 83,4 | 143,2 |
| Шовот | 161,6 | 42,1 | 119,5 |
| Янгиариқ | 110,8 | 26,3 | 84,5 |
| Янгибозор | 83,3 | 15,4 | 67,9 |

[1)] дастлабки маълумот

## Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари
(январ-июнь ойларида)

| | Туғилганлар | | Ўлганлар | | Аҳолининг табиий ўсиши | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2016й. | 2017й.[1)] | 2016й. | 2017й.[1)] | 2016й. | 2017й.[1)] |
| **Вилоят бўйича:** | **17,5** | **16,6** | **4,3** | **4,6** | **13,2** | **12,0** |
| **шаҳарлар:** | | | | | | |
| Урганч | 18,4 | 18,1 | 5,8 | 6,6 | 12,6 | 11,5 |
| **туманлар:** | | | | | | |
| Боғот | 17,9 | 17,7 | 4,7 | 4,6 | 13,2 | 13,1 |
| Гурлан | 19,5 | 17,9 | 4,5 | 4,8 | 15,0 | 13,1 |
| Қўшкўпир | 14,5 | 14,1 | 4,0 | 4,0 | 10,5 | 10,1 |
| Урганч | 17,1 | 16,4 | 4,1 | 4,2 | 13,0 | 12,2 |
| Хазорасп | 19,6 | 18,1 | 4,0 | 4,6 | 15,6 | 13,5 |
| Хонқа | 18,6 | 17,3 | 3,9 | 4,2 | 14,7 | 13,1 |
| Хива | 14,1 | 14,2 | 4,1 | 4,2 | 10,0 | 10,0 |
| Шовот | 17,2 | 16,9 | 4,7 | 4,5 | 12,5 | 12,4 |
| Янгиариқ | 16,6 | 14,7 | 3,8 | 4,4 | 12,8 | 10,3 |
| Янгибозор | 20,1 | 18,5 | 4,1 | 5,0 | 16,0 | 13,5 |

[1)] дастлабки маълумот

## Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони
(январ-июнь ойларида)

(1000 аҳоли сонига)

| | Тузилган никоҳлар | | Никоҳдан ажралишлар | |
|---|---|---|---|---|
| | 2016й. | 2017й.[1)] | 2016й. | 2017й.[1)] |
| **Вилоят бўйича:** | **8,6** | **9,0** | **0,6** | **0,8** |
| **шаҳарлар:** | | | | |
| Урганч | 7,9 | 9,0 | 1,3 | 2,0 |
| **туманлар:** | | | | |
| Боғот | 8,3 | 9,4 | 0,3 | 0,5 |
| Гурлан | 8,4 | 9,2 | 0,4 | 0,8 |
| Қўшкўпир | 9,5 | 10,7 | 0,4 | 0,9 |
| Урганч | 7,9 | 8,4 | 0,7 | 1,0 |
| Хазорасп | 8,6 | 8,9 | 0,5 | 0,7 |
| Хонқа | 9,7 | 8,8 | 0,5 | 0,5 |
| Хива | 7,5 | 8,1 | 0,6 | 0,5 |
| Шовот | 8,7 | 8,8 | 0,6 | 0,6 |
| Янгиариқ | 9,9 | 9,0 | 0,5 | 0,8 |
| Янгибозор | 9,2 | 10,1 | 0,7 | 0,7 |

[1)] дастлабки маълумот

## Бандликка кўмаклашувчи марказларига иш қидириб мурожаат этган ва рўйхатга олинганлар сони [1)]

(1 июль ҳолатига, киши)

| | Бандликка кўмаклашувчи марказларига иш қидириб мурожаат этганлар сони | | жумладан, расман ишсиз мақомини олганлар | | улардан, ишсизлик нафақаси ажратилганлар сони | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2016 й. | 2017 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2016 й. | 2017 й. |
| **Вилоят бўйича:** | **7771** | **8417** | **956** | **1111** | **212** | **199** |
| **шаҳарлар:** | | | | | | |
| Урганч | 991 | 962 | 79 | 76 | 4 | 51 |
| **туманлар:** | | | | | | |
| Боғот | 577 | 509 | 66 | 91 | 9 | 8 |
| Гурлан | 748 | 889 | 91 | 86 | 33 | 23 |
| Қўшкўпир | 731 | 625 | 79 | 81 | 2 | 9 |
| Урганч | 479 | 679 | 82 | 107 | 12 | 9 |
| Хазорасп | 755 | 682 | 88 | 101 | 61 | 23 |
| Хонқа | 1010 | 1066 | 130 | 130 | 37 | 23 |
| Хива | 789 | 498 | 90 | 73 | 8 | 4 |
| Шовот | 709 | 1197 | 70 | 198 | 9 | 14 |
| Янгиариқ | 520 | 418 | 75 | 114 | 14 | 21 |
| Янгибозор | 462 | 892 | 106 | 54 | 23 | 14 |

[1)] вилоят меҳнат бош бошқармаси маълумотига асосан

## Иш билан таъминланган аҳоли сони[1]

(2017 йил 1 июль ҳолатига, киши)

| | 2016 йил | 2017 йил |
|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | 7090 | 7143 |
| **шаҳарлар:** | | |
| Урганч | 876 | 826 |
| **туманлар:** | | |
| Боғот | 525 | 468 |
| Гурлан | 622 | 777 |
| Қўшкўпир | 651 | 535 |
| Урганч | 400 | 597 |
| Хазорасп | 662 | 586 |
| Хонқа | 880 | 936 |
| Хива | 736 | 424 |
| Шовот | 891 | 857 |
| Янгиариқ | 471 | 294 |
| Янгибозор | 376 | 843 |

[1] вилоят меҳнат бош бошқармаси маълумотига асосан

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ**
**ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ**
**АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**
**2017 йил ЯНВАРЬ-ИЮНЬ - 3 -бет**

**ХУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-**
**ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ**
**СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ – 33-бет**

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ
# ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
# АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
# 2017 йил ЯНВАРЬ- ИЮНЬ

Нашрга масъул:
Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма-ахборот ишлар бўлими

тел. (362) 224-65-02

**Буюртма рақами №03 22.07.17 й. Тираж 15 нусха**

**Хоразм вилояти статистика бошқармаси**
**Урганч ш., Ал Хоразмий кўчаси, 93 уй**